



190551, Qiziriq tumani, Ibn Sino ko'chasi 13-uy, tel.: 0(376) 35-91-159, fax: 0(376) 35-91-575

2020 yil “ 23 ” Апрель

Қ -621- sonli

Туман худудларидаги каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг сувини муҳофаза қилиш зоналари ҳамда соҳил бўйи минтақаларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон “Ўзбекистон Республикаси худудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан;

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қизirik тумани худудларидаги сойлар, каналлар, қирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларини қирғоқдан (200) метр, хўжалиқлараро канал ва коллектор тармоқлари учун (30) метр ҳамда хўжалиқ ички суғориш ва зовур тармоқлари учун (24) метр этиб белгилансин.

2. Хўжалиқлараро канал ва коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақасида сув хўжалиғи идоралари рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ифлослантирувчи нарсалар, (ахлат, гўнг, саноат чиқиндилари, маиший оқавалар) ташлаш шунингдек захарли дорилар, минерал ўғит омборлари, ёнилғи мойлаш материаллари омборлари, автомобиллар ёнилғи қуйиш шаҳобчалари, молхона, паррандачилик корхоналари ва бошқа ифлослантирувчи корхоналар қуриш қатъиян ман этилганлиғи белгилаб қўйилсин.

3. Туман худудларидаги магистрал, хўжалиқлараро ва ички канал ҳамда коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларига сув хўжалиғи идоралари рухсати билан қирғоқларни мустаҳкамлаш, сув буғланишини камайтириш мақсадида мавсумий кишлок хўжалиғи экинларини экишга рухсат берилсин.

4. Мазкур қарорни туман “Тараққиёт” газетасида расмий эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг кишлок ва сув хўжалиғи масалалари бўйича ўринбосари Р.Полаев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



О.Б.Мухаммадиев